

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРУҚЛИКДАГИ ҚЎШИНЛАР ҚЎМОНДОНИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 апрель куни Покистон Ислom Республикасининг Куруқликдаги қўшинлар қўмондони, генерал-лейтенант Қамар Жовид Бажва бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни кутлар экан, ушбу учрашув Ўзбекистон билан Покистон ўртасида сўнгги йилларда жадал ривожланаётган, дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро қўллаб-қувватлаш тамойилларига, шунингдек, умумий тарих, дин, анъана ва маънавий қадриятлар муштараклигига асосланган кўп қиррали алоқаларнинг яна бир далили эканини алоҳида таъкидлади.

Турли даражадаги сиёсий мулоқотлар фаоллашгани қайд этилди. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик кенгайиб, ўзаро савдо ҳажми ортмоқ-

да. Икки мамлакат компаниялари ва тадбиркорлари томонидан қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, фармацевтика, тўқимачилик, кўнчилик, озиқ-овқат ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида қўшма лойиҳалар тайёрланмоқда ва амалга оширилмоқда. Ўзбекистон — Покистон Ишбилармонлар кенгаши иш бошлади.

Ўтган йил апрель ойидан бошлаб «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг Тошкент — Лаҳор — Тошкент йўналиши бўйича парвозлари қайта тикланди.

Маданий-ижтимоий ва туристик алмашинувлар, жумладан, мамлакатимизга зиёрат туризми дастури доирасидаги саёхатлар кенгаймоқда.

Учрашувда икки томонлама ўзаро манфаатли алоқалар, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация ва бошқа соҳаларга оид ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ҳарбий ва ҳарбий-техник соҳалардаги ҳамкорлик истиқболлари, минтақада хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид солаётган

замонавий хавф-хатарларга қарши курашиш, шунингдек, Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш масалалари муҳокама қилинди.

Меҳмон давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун чуқур миннатдорлик билдирди ва Покистон Ислom Республикаси Президенти Мамнун Хусайннинг саломини етказди.

Генерал Қ. Бажва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Қуролли Кучларни модернизация қилиш ва мамлакат мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйи-

ча амалга оширилаётган ислохотларга юқори баҳо берди.

Жорий йил март ойида Тошкентда бўлиб ўтган Афғонистон бўйича халқаро конференциянинг амалий натижалари тўлиқ қўллаб-қувватланди.

Учрашув сўнггида Покистоннинг Куруқликдаги қўшинлар қўмондони Покистон Ўзбекистон билан кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга тайёр эканини яна бир бор тасдиқлади.

Ў.А.



Қардош халқлар фаровонлиги йўлидаги учрашув

29 апрель куни мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида яна бир муҳим воқеа рўй беради — Президент Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон уч кунлик давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келади.

Биз ва жаҳон

Бу Анқаранинг мамлакатимиз билан муносабатларни ривожлантиришга катта эътибор қаратаётганидан далолатдир.

Энг аввало, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Туркия Ўзбекистон мустақиллигини биринчилар қаторида тан олган эди. Икки халқ умумий кўп асрлик тарихи, тили ва дини, қадриятлари ҳамда муштарак урф-одат ва анъаналари билан бир-бирига чамбарчас боғланган. Давлатларимиз ўртасидаги ана шундай дўстона ришталар устига қурилган муносабатлар бугунги кунда изчил мустаҳкамланиб бормоқда.

2017 йил май ойида Пекиндаги “Бир макон, бир йўл” халқаро форуми чоғида Ўзбекистон ҳамда Туркия

Президентларининг учрашуви бўлиб ўтган эди. Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоғон ўша йилнинг 10 сентябрида Ислom ҳамкорлик ташкилотининг Остонада бўлиб ўтган Фан ва технологиялар бўйича саммити доирасида ишончли мулоқотни давом эттирдилар. Шунингдек, икки давлат раҳбарлари сентябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессияси доирасида учрашдилар.

Мамлакатимиз Президентининг 2017 йил октябрда Туркияга буюрган давлат ташрифи ўтган йилдаги икки томонлама муносабатларнинг асосий воқеаси бўлди.

(Давоми 2-бетда).

Афғонистон бўйича Тошкент конференцияси декларацияси БМТ расмий ҳужжати сифатида тарқатилди

Нью-Йоркда Ўзбекистон ва Афғонистоннинг БМТ ҳузуридаги доимий ваколатхоналари томонидан “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусидаги Афғонистон бўйича Тошкент халқаро конференцияси декларацияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессияси ҳамда Хавфсизлик Кенгашининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди.

2018 йил 27 мартда Тошкентда бўлиб ўтган юқори даражадаги конференциянинг аянқий ҳужжати БМТнинг расмий орти тилига (рус, инглиз, араб, испан, хитой ва француз тилларида) ўтирилди ҳамда ташкилотга аъзо барча давлатлар ўртасида тарқатилгани баробарида, БМТ расмий ҳужжатлари тизимига жойлаштирилди.

Афғонистон бўйича Тошкент халқаро конференцияси декларациясининг мазкур мамлакатда тинчлик ва ярашувни таъ-

минлаш зарурати, терроризм ҳамда наркотиклар айланишига қарши кураш, шунингдек, минтақавий иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва қўшма савдо-транзит, транспорт, энергетика, инфратузилма ҳамда коммуникация лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган барча банди беатисно БМТ Бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгашининг расмий ҳужжатидан жой олди.

(Давоми 2-бетда).



Одамларимиз қаерда бўлмасин, ҳатто энг чекка ҳудудда ҳам бахтли ва фаровон турмуш кечиришга ҳақли. Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, кенг қўламли бунёдкорлик лойиҳалари ана шу эзгу мақсадга қаратилган. Илгари бажарилган қурилиш ҳамда ободонлаштириш ишларида олис қишлоқларда истиқомат қилаётган оддий инсонларнинг яшаш шароитини яхшилашга етарлича эътибор берилмаган. Оқибатда аксарият қишлоқларда ижтимоий соҳа объектлари ночор аҳволга келиб қолган, инфратузилма батамом издан чиққан.

«Обод қишлоқ» дастури

Президентимизнинг шу йил 29 март куни имзоланган “Обод қишлоқ” дастури тўғрисида”ги Фармони қишлоқларнинг замонавий қиёфасини яратиб, уларни обод манзилларга айлантирмоқда. Унинг ижроси доирасида дастлаб Дўстлик туманининг Манас қишлоғида амалга оширилган

ўзгаришлар тасаввуримизда қотиб қолган қишлоқ манзарасини буткул ўзгартириб юборди. Негаки, кўримсиз иншоотлар, қишда лой, ёзда чанг қўчалар атиги 1,5 ойда мутлақо замонавий қиёфа касб этди.

(Давоми 3-бетда).



Ҳосон ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Сенатор мушоҳадаси

Ишончли мулоқот, амалий натижалар

икки томонлама ҳамкорликни кенгайтиришда яққол намоён бўлмоқда

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи икки мамлакат кун тартибиде турган долзарб масалалар бўйича давлат раҳбарлари ўртасидаги ишончли мулоқотнинг мантиқий давоми бўлди.

Маълумки, ўзбек ва туркман халқларининг қардошлиқ, биродарлик ҳамда дўстона муносабатлари узок ўтмишга бориб тақалади. Икки давлат ўртасидаги алоқалар яқин қўшничилик ва ҳамжиҳатлик, бир-бирини англаш ҳамда ўзаро ишонч руҳида ривож топиб келмоқда. Тарихимиз, динимиз, тилимиз, маданиятимиз, урф-одатларимиз ва анъаналаримизнинг мушта-

раклиги маданий-маърифий муносабатлар ривожига катта ўрин тутаяпти.

Бунда икки мамлакат Президентларининг ўзаро муносабатларидаги қатъий ишонч, очиқлик, самимият, энг муҳими, барча келишувни амалда рўйбга чиқариш йўлидаги уларнинг қатъий сиёсий хоҳиш-иродаси стратегик ҳамкорликнинг мустаҳкам пойдевори бўлмоқда.

Туркменистон барча муносабатларда Ўзбекистоннинг стратегик ҳамкори ҳисобланади. Ўз навбатида, Туркменистон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи мамлакатимизнинг қўшни давлатлар билан муносабатларини изчил ривожлантириш, стратегик ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда кенг қўламли ўзаро фойдали ҳамкорликни қучайтириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислохотларга ҳар жиҳатдан мос келади.

(Давоми 3-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗДА “ОБОД ҚИШЛОҚ” ДАСТУРИ ДОИРАСИДА

ЖОРИЙ ЙИЛДА:

127 мингта уй-жойни таъмирлаш ва атрофини ободонлаштириш



1 минг 900 км. ичимлик суви тармоғи ва 850 та ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва капитал таъмирлаш



Қарийб 2 минг км. электр ва 263 километр газ тармоқлари, 440 км. йўллари капитал таъмирлаш



режалаштирилган.

(Давоми 2-бетда).

Халқ вакиллари — туманларда

Ўрганишлар самарасини одамлар ўз ҳаётида сезиши керак

Ҳар қандай муаммонинг чуқур илдиз отишига сабаб бўладиган омиллар борки, уларни ўз вақтида бартараф этиш фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга, уларнинг фаровон ҳаёт кечиришларини таъминлашга хизмат қилади. Бу, айниқса, инсон саломатлигини асраш, ёш авлод манфаатларини муҳофаза этиш, кўзимизнинг оқу қораси — дилбандларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай воқия етишлари масалаларига тааллуқли бўлса, янада долзарб аҳамиятга эга бўлади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенати аъзоларининг Тошкент шаҳар Миробод тумани аҳолиси билан бевосита мулоқотларида, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида қабул қилинган муҳим ҳужжатлар ижросини ўрганишда уларга ҳамроҳлик қилар эканмиз, айрим соҳаларда йўл қўйилаётган эътиборсизликлар,

сустакликлар диққатимизни тортиди. Чунончи, туманининг “Баёт” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 1320 нафар аҳоли ашайди, шундан 200 дан зиёди кўзи ожиз инсонлардир. Ўрганишларда уларнинг аксарияти бир неча йиллардан буюн чуқурлаштирилган тиббий қўриқдан ўтмагани маълум бўлди. Депутатлар мазкур масалани жойида

ҳал этиб, маҳалла аҳолиси, чунончи, ногиронлиги бўлган шахсларнинг тиббий қўриқдан ўтишларига қўмаклашди.

— Очиги, бундан жуда хурсанд бўлдик, — дейди 57 ёшли Шохиста Маҳаммадҷонова. — Тўғри, соғлигимизга бефарқ бўлмаслик, аввало, ўзимизга боғлиқ. Бироқ имкониятларимиз чеклангани боис оилавий поликлиникага бориш бизга сал узоқлик қиларди. Ташкил этилган қўриқда турмуш ўртоғим билан бирга УЗИ, ЭКГ апаратларидан ўтдик, шифокорлар жуда ҳушмуомалалик билан ҳар бир саволимизга жавоб қайтаришди.

(Давоми 3-бетда).



Иновацион ривожланишнинг замонавий тамойиллари банк тизимининг молиявий очиклик даражасини ошириш, яъни хизматлар оммабоплиги ҳамда мижозлар ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш механизмларини янада такомиллаштиришни тақозо қилмоқда. Молиявий хизматлар бозорида 22 йилдан зиёд вақт мобайнида фаолият юритиб келаяётган “Асака” акциядорлик тижорат банки ана шундан келиб чиққан ҳолда, таркибий тузилмалари фаолияти самарадорлигини ошириш, ҳар бир мижознинг индивидуал талабидан келиб чиққан ҳолда, тезкор ва сифатли хизмат кўрсатишга жиддий эътибор қаратмоқда. Бунинг натижасида унинг 26 филиал, 78 минибанк, 184 чакана банк хизматлари кўрсатувчи шохобчадан иборат кенг тармоғи вуҷудга келди. Улар орқали қарийб 2 миллион нафар мижозларга хизмат кўрсатиб келинмоқда.

«Асака» банки:

ХИЗМАТЛАР ОММАБОПЛИГИНИ ОШИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ

Банк жамоаси бозор конъюнктура-сининг ҳозирги ўзгаришлари шароитида мижозлар манфаатларини ҳимоя қилишга интилоқда. Юртимиз ҳамда хориждаги банклар билан вакиллик муносабатлари мустаҳкамланаётгани бунда қўл келаяпти. Бу, энг аввало, воситачилик харажатларининг минимал миқдори ўрнатилиши, тўловларнинг кам харажатлилиги ва қатъий ижро муддатида намоён бўлаёт-

тири. Бинобарин, “Асака” банки жаҳоннинг 370 дан зиёд етакчи банклари билан вакиллик муносабатларини йўлга қўйган бўлиб, энг йирик хорижий банклардаги вакиллик ҳисобварақлари тармоғи орқали дунёнинг асосий молиявий марказларида ўз иштирокини таъминламоқда. Шу каби муваффақият-ли фаолият, мана, бир неча йилдирки, “Moody’s” ва “Fitch Ratings” сингари нуфузли халқаро рейтинг агентликлари томонидан “Барқарор” дея эътироф этилиб, юқори рейтинг баҳо-ларига лойиқ топилиб келинаёпти.

Шу билан бирга, жаҳоннинг нуфузли нашрларидан бўлган “Euromoney”, “Global Finance” ҳамда “The Banker” томонидан мазкур молия муассасаси бир неча маротаба “Ўзбекистонда йилнинг энг яхши банки” сифатида тан олинди. Шубҳасиз, бу тизимда ишлар тўғри йўлга қўйилганлиги, унинг халқаро майдондаги нуфузи ошиб бораётганлигидан далолатдир.

Таъкидлаш керакки, тизимда инвестициявий жозибадорлигини ошириш, юқори ликвидлилик ва барқарорликка эришиш, асосий кўрсаткичларнинг ўсиш суръатларини таъминлаш, энг асосийси, уларни жаҳон стандартлари талаблари даражасига етказишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар

амалга оширилмоқда. Бундан кўзланган мақсад битта: у ҳам бўлса, рақобатдош, ички бозор ҳамда экспортга мос маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ва хизматлар кўрсатувчи мижозларга, шунингдек, хорижий ҳамкорларга сифатли хизмат кўрсатишдир. Амалда эса бунга имкон қадар эришиляпти ҳам.

2018 йил 1 апрель ҳолатига кўра:

Банк жами активлари 24,8 трлн.

Жами капитал 3,1 трлн.

Иқтисодиётга йўналтирилган кредит қўйилмалари 17,3 трлн.

сўмни ташкил қилди.

Ушбу даврда банк лизинг портфели ҳажми 249,8 млрд. сўмни ташкил этди. У иқтисодиётнинг sanoat, қишлоқ хўжалиги, коммунал соҳа, транспорт ҳамда алоқа, қурилиш, ижтимоий соҳа ва бошқа тармоқлар ўртасида диверсификациялаштирилган эътиборга моликдир.

Банк ўз фаолияти мобайнида автотомобилсозлик, кон-металлургия, нефть-газ, кимё, энергетика, энгил, озик-овқат, фармацевтика sanoati, транспорт, қурилиш каби иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини ривожлантиришга қаратилган инвестициявий лойиҳаларини молиялаштиришга жиддий эътибор қаратиб келмоқда. Жорий йилнинг биринчи чора-тадбирда ушбу мақсадларга 1,5 трлн. сўмлик кредитлар ажратилди. Бундан ташқари, Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар ижроси учун эса

55,3 млн. АҚШ доллари ҳамда 1,9 млрд. япон иенаси йўналтирилди. Экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида 40 млн. АҚШ долларилик кредитлар берилди. Улар юқори технологияларни талаб қил-диган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишга, ахборот-коммуникация тизими, биотехнология ва илм-фаннинг бошқа илгор ютуқларига асосланган лойиҳалар рўйбига сарфлангани билан, айниқса, аҳамиятлидир.

Худудларнинг замонавий қиёфасини яратиш, кўркам турар-жойлар барпо этиш каби бунёдкорлик ишларида ҳам “Асака” банки фаол қатнашиб келмоқда. Унинг 350,7 млрд. сўмлик сармоялари эвазига 95 та қўп қаватли тураржой бинолари қад кўтаргани, пировардида 3727 нафар оила барча қулайлик муҳайё қилинган хона-бўлгани бунинг яққол мисолidir.

Кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш ҳам банк эътиборидан четда қолаётгани йўқ. Соҳа вакилларига кўрсатилаётган банк хизматлари турларини кенгайтириш, сифатини янада яхшилаш бўйича ишлар жадал давом эттири-либ, жорий йилнинг биринчи чора-тадбирда ушбу мақсадга 390 млрд. сўм маблағ ажратилди. Шу жумладан, бизнес фаолиятини йўлга қўяётган аёллар ҳамда тадбиркор хотин-қизларга 55,4 млрд. сўмлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига 34,7 млрд. сўмлик, оилавий тадбиркорлик ҳамда хунармандчилик ривожига 4,1 млрд. сўмлик, озик-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тадбиркорларга 85,7 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди.

Шунингдек, 17,9 млрд. сўмлик микрокредитлар тақдим қилинди. Бу эса республикамизнинг барча худуди, хусусан, меҳнат ресурсларига бой жойларда хизмат кўрсатиш муассасаларини ташкил этиш, ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, аҳолини арзон ҳамда сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, касаначилик ва хунармандчиликни ривожлантириш, аҳоли бандчилигини таъминлашда қўшимча имкониятлар яратди.

Эътиборлиси, аҳолини бизнесга кенгроқ жалб қилиш мақсадида банк томонидан тадбиркорларга молиявий кўмак беришнинг янги усуллари жорий этилди. Яъни малакали мутахассислар одамларни ишбилармонлик қобилиятини юзага чиқариш учун аҳоли хонадонларига

Молия муассасаларида

тириш йўлида ҳам фаол иш олиб бориляпти. Жумладан, ҳозирги кунда 34 турдаги миллий ва хорижий валютадаги омонатлар жорий этилган бўлиб, омонатларни банкнинг барча филиалида расмийлаштириш мумкин.

2018 йилнинг биринчи чора-тадбирда аҳоли омонатлари қолдиги 1029 млрд. сўмни ташкил қилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 149 млрд. сўмга ошди, дегандир. Омонатчилар сони эса 70 минг нафарга кўпайиб, 1 млн. 974 минг нафарга етди. Бундай кўрсаткичларга нақд пул маблағларининг банддан ташқари айланмасини кескин қисқартириш ҳамда аҳолининг бўш пул маб-

ва технологиялари — BankEXPO — 2018” миллий кўргазмаси “Асака” банки тизимида қўлга киритилаётган шу каби ютуқлар ҳамда ривожланиш истиқболлари ҳақида тадбиркорлик субъектлари, таъмин муассасалари битирувчилари, аҳолини яқиндан та-ништириш учун қулай мулоқот майдони вазифасини ўтади. Унда, айниқса, банк томонидан янги жорий қилинган “Mobile-Uz” мuddати омонати, “Telegram” мессенжерида ишга туширилган “Telegram-bot” ва “On-Line конверсия” хизматлари барчага манзур бўлди.

Шу ўринда мазкур хизматлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак. Миллий валютадаги мuddатли янги “Mobile-Uz” омонати “Asaka Mobile” мобиль иловаси орқали расмийлаштирилади. Унинг афзаллиги шундаки, омонатчи пластик картадаги пул маблағларини куннинг исталган вақтида банк биносига ташриф буюрмасдан омонатга ўтказиш ҳамда ҳисоб-варақдаги маблағлар ҳаракатини масофадан туриб бошқариши мумкин. Ушбу омонатнинг сақланиш мuddати 3 ой, фоиз миқдори эса йиллик 14 фоиз. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда омонатчининг пластик картасига ўтказиб берилди.

“Telegram-bot” ҳам бир қанча қулайликларга эга. Ушбу виртуал ёрдамчи кўмағида фойдаланувчи “Асака” банки бошқаруви раиси виртуал қабулхона-сига мурожаат юбориши, ўзини қизиқтирган савол-ларга тезкор жавоблар олиши, банк хизматлари тарифлари билан таниши-ши, валюта курслари ва бошқа маълумотлардан хабардор бўлиб бориши мумкин. Унга улашиш учун “Telegram” мессенжери-дан иловани қўчириб олиш, сўнгра қидирув сатри-да “@BankAsaka_bot”ни териш kifoya.

“On-Line конверсия” хизмати орқали эса банкнинг сўм пластик карточкаси эгалари ўз маблағларини он-лайн режимида хорижий валютага конвертация қилиш орқали халқаро пластик карточкага ўтказиш имкони-ятига эга бўлдилар.

Мазкур кўргазма доирасида, шунингдек, “Асака” банки томонидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши янада рағбатлантириш мақсадида ёш тадбиркорларга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Бинобарин, молиявий инфратузилма институтларини ривожлантириш, янги банк хизматларини амалиётга татбиқ этиш, мавжудларини янада такомиллаштириш орқали уларнинг оммабоплигини ошириш юртимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлардан кўзланган бош мақсаддир. Шундай экан, мижозлар эҳтиёжидан келиб чиқиб, хизмат турлари қўпай-тирилиши баробарида, уларнинг сифатини тубдан яхшилаш, аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш бора-сидаги ишлар бундан кейин ҳам из-чил давом эттирилаваради.

Банк Ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижроси ҳамда Тошкент вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармаси фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш мақсадида вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси қуйидаги мутахассисликлар бўйича тажрибали кадрларни ишга қабул қилишнинг билдиради:

- агрономия деҳқончилик маҳсулотлари;
- қишлоқ хўжалиги экинлари ва селекция уруғчилиги;
- сув хўжалиги ва мелиорация;
- қишлоқ хўжалигини механизациялаш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш;
- зоотехния;
- балиқчилик;
- паррандачилик;
- асаларичилик;
- мева-сабзавотчилик ва узумчилик;
- донли экинлар;
- агрокимё;
- картошқачилик;
- қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти;
- қишлоқ хўжалиги менежменти;
- қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича бошқа мутахассислар.

Мурожаат учун телефонлар: (0-871) 295-23-90, 295-24-80.
Манзил: Тошкент шаҳри, Бектемир тумани,
Хусайн Бойқаро кўчаси, 8-уй.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 445. 114 526 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳо-си келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқуб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;

Котибият (0-371) 233-10-28; Ўзлонлар (0-371) 232-11-15.

UTC FARG'ONAGAZ

Хўжалик юритувчи субъектлар диққатига!

«ЎЗТРАНСГАЗ» АЖ

Фаргона вилояти бўйича газ таъминоти ҳудудий филиали

вилоят аҳолисини суюлтирилган газ билан мунтазам бир меъёрда таъминлаш мақсадида 1 ойда 900 тоннадан кам бўлмаган суюлтирилган газ маҳсулотини Қашқадарё вилоятидаги ишлаб чиқарувчи заводлардан махсус автомашиналарда келтириш ва вагон цистерналарда келган суюлтирилган газни тўкиб олиш, сақлаш ҳамда вилоятдаги мавжуд газ тўдрилиш пунктларига юқуб бериш хизмати билан шуғулланувчи, мулкчилик шаклидан қатъи назар, махсус лицензияга эга бўлган корхона ва ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилади.

Тижорат таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилинади.

Манзил: Фаргона шаҳри, Бурхониддин Марғиновий кўчаси, 76-уй.
Телефон: (+99873) 229-04-36.



«ЎЗМЕТКОМБИНАТ» АЖ

2018 йил давомида хом ашё материаллари, жиҳозлар, ускуналар, бутловчи ва эҳтиёт қисмларни сотиб олиш бўйича танлов эълон қилади.

Батафсил маълумот олиш учун сайт: www.uzbeksteel.uz

Таклифларни қуйидаги манзилга юбориш лозим:
110502, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Сирдарё кўчаси, 1-уй.
Мурожаат учун телефонлар: (+99870) 214-20-99, 214-17-48, 214-14-33, 214-12-40.
E-mail: info@uzbeksteel.uz

Тахририятга келган қўлаёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллафга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштиришга ташкилот жаобгар.
Газета тахририят компьютер марказда терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.27 Топширилди — 02.10 1 2 3 4 5 6